

«Ҳали ҳам шу намозгоҳингдамисан?» дедилар.

«Ҳа» деди.

У зот:

«Мен сендан кейин тўрт калимани уч марта айтдим. Агар сен айтган нарса билан тортилса, (ул) ортиқ келур: «Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи адада холқиҳи ва ризо нафсиҳи ва зината аршиҳи ва мидада калиматиҳи», дедилар».

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

Шарҳ: Ушбу ҳадисда номлари келган Жувайрия бинти Ҳорис онамизнинг исмлари аслида Барра бўлган. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ул муҳтарамани Жувайрия деб, марҳамат қилганлар. Ул зот розияллоҳу анҳонинг зикр билан кўп машғул бўлишлари ушбу ривоятдан маълум бўлиб турибди. Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг олдидан чиқаётганларида ҳам намозгоҳларида эканлар. У зот ташқарида ишларини битириб, қайтиб келсалар ҳам ўша жойда ўтириб, зикрда давом этаётган эканлар. Шунда Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳали ҳам шу намозгоҳингдамисан?» дедилар.

«Ҳа», дедилар Жувайрия онамиз зикрни муттасил давом эттираётганларини тасдиқлаб.

Ана шунда Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам зикр билан зикрнинг фарқи борлигини, Жувайрия онамизга ўхшаб баъзи бир зикрларни узоқ ва кўп такрорлагандан кўра бошқасини оз такрорлаб, кўп савоб олиш мумкинлигини баён қилдилар:

«Мен сендан кейин тўрт калимани уч марта айтдим. Агар сен айтган нарса билан тортилса, (ул) ортиқ келур», дедилар.

Яъни, мен олдиндан чиқиб кетганимдан буён ҳозиргача айтган зикрининг савоби тарозининг бир палласига, мен уч мартагина айтган тўрт калиманинг савоби бошқа палласига қўйилса, мен айтган зикрларимнинг савоби босиб кетади, дедилар.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтган калималарининг маъноси эса бундай эди:

«Аллоҳга махлуқотларининг ададича, Унинг Ўзи рози бўладиганча, Аршининг оғирлигича ва калималарининг ададича поклаш ва ҳамд бўлсин».

Ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Жувайрия онамизнинг намозгоҳда ўтирганларидан бу ҳадисда намоз ортида қилинадиган зикр тўғрисида гап бораётганлиги тушунилади.
2. Жувайрия онамизнинг зокира аёл эканликлари.
3. Зикр билан зикр орасида фарқ борлиги.
4. Зикрни устоздан ўрганиш яхши эканлиги.
5. Зикрни ўзича қилаётган одамда камчилик бўлса, биладиган одам тўғрилаб қўйиши зарурлиги.
6. Ривоятда келган зикрнинг ўта фазилатли ва савоби кўп эканлиги.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 5-жузи

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 23 январдаги 03-07/362-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.